

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ  
КОМПЬЮТЕРДА ЛОЙИҲАЛАШ”  
модули бўйича  
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2018**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201\_\_ йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: ТТЕСИ А.Каримов  
ТТЕСИ У.Алимов

Тақризчи: ТТЕСИ илмий ишлар бўйича проректори А.Гуламов

***Ўқув -услугий мажмуа ТТЕСИ Кенгашининг 201\_\_ йил \_\_\_\_\_даги  
\_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.***

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР.....	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>
V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ .....	83
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	84
VII. ГЛОССАРИЙ .....	86
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	88

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш, амалий хорижий тил, маҳсулот сифати менежменти ва тизимли таҳлил, қарор қабул қилиш асослари модули негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда корхонанинг технологик жараёни, корхонанинг технологик жараёнини ахборот коммуникация воситалари ёрдамида лойиҳалаш. Маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ва уларда бажариладиган операцияларни лойиҳалаш. Технологик машиналарни ишлаб чиқариш бўлимлари бўйича кетма-кетлигини лойиҳалаш. Технологик машиналарни замонавий усулларда лойиҳалаш. Технологик машиналари ва деталларини замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб лойиҳалаш. Замонавий ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида технологик жараёнларни лойиҳалаш усуллари ва уларнинг афзаллик ва камчиликлари баён этилган.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш модулининг **мақсад ва вазифалари:**

**Модулнинг мақсади:** корхонанинг технологик жараёнини замонавий компьютер воситалари ёрдамида лойиҳалаш

**Модулнинг вазифаси:** Корхонанинг технологик жараёни, корхонанинг технологик жараёнини ахборот коммуникация воситалари ёрдамида лойиҳалаш, маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ва уларда бажариладиган операцияларни лойиҳалаш, технологик машиналарни ишлаб чиқариш бўлимлари бўйича кетма-кетлигини лойиҳалаш, технологик машиналарни замонавий усулларда лойиҳалаш, технологик машиналари ва деталларини замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб лойиҳалаш, замонавий ахборот

коммуникацион технологиялар ёрдамида технологик жараёнларни лойиҳалаш усуллари ва уларнинг афзаллик ва камчиликлари ўрганиш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- Корхона технологик жараёнларини лойиҳалаш усуллари ва воситаларини;
- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ва опреацияларини лойиҳалашни;
- технологик жараёнларни лойиҳалашни усул ва воситаларини афзаллик ва камчиликлари ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

**Тингловчи:**

- технологик жараёнларни лойиҳалашда замонавий ахбороткоммуникация воситаларидан фойдаланиш;
- технологик машина ва деталларини компьютер технологияларидан фойдаланиш;
- технологик машиналарни ишлаб чиқариш бўлимлари бўйича кетма-кетлигини лойиҳалаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- технологик машиналарни замонавий усулларда лойиҳалаш;
- замонавий ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида технологик жараёнларни лойиҳалаш;
- корхонанинг технологик жараёнини ахборот коммуникация воситалари ёрдамида лойиҳалаш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, лойиҳа, «Хулосалаш» (Резюме, Веер) ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш” модули мазмуни ўқув режадаги махсус фанлар блокадаги ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг технологик жараёнларни замонавий ахборот коммуникация воситалари ёрдамида лойиҳалаш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар махслот ишлаб чиқариш технологик жараёнини компьютерда лойиҳалаш, лойиҳалаш усуллари амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан,		
				назарий	амалий машғул	
1.	AutoCad дастури, чизма ва графикларни компьютерда бажариш.	2	2	2		
2.	Геометрик объектларнинг координаталарини киритиш усуллари, объектларни таҳрирлаш	2	2	2		
3.	Кўпбурчак ва тўғри тўртбурчак буйруқлари	2	2		2	
4.	Нукта шаклини ўрнатиш, нукта ва splayн буйруқлари	2	2		2	
5.	Айлана ва узиш буйруқлари	2	2		2	
6	Автоматлаштирилган лойиҳалаш ва бошқариш тизимларидаги иш жойларининг қурилмалари (аппаратура)	2				2
7	Технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизимлари	2				2
	Жами:	<b>14</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>6</b>	<b>4</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу: AutoCad дастури, чизма ва графикларни компьютерда бажариш.

AutoCAD-2011 ҳақида умумий маълумот. Фойдаланувчининг интерфейси. Буйруқни юклаш усуллари. Объектнинг хусусиятлари. Сичқонча ёрдамида объектни яқинлаштириш ва узоқлаштириш. Объектни ўчирич усуллари. Чизик турларини ўрнатиш

### 2-мавзу: Геометрик объектларнинг координаталарини киритиш усуллари, объектларни таҳрирлаш.

Line – Отрезок – Кесма буйруғи. Объектнинг координаталарини киритиш усуллари. Сичқонча ёрдамида объектни таҳрирлаш. Абсолют декарт координаталар усули. Нисбий декарт координаталар усули. Қутб координаталар усули. Кесма узунлигини тезкор клавиатура орқали киритиш усули. Чизмани хотирада сақлаш. Хотирада сақланган чизмани очиш. Чизмага пароль қўйиш

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-амалий машғулот: Кўпбурчак ва тўғри тўртбурчак буйруқлари.

AutoCAD тизими. Rectang – Прямоугольник – Тўғри тўртбурчак буйруғи. Кўпбурчак ва тўғри тўртбурчак буйруқлари. Polygon – mn-ugol – кўпбурчак буйруғи. Кўпбурчак буйруқлари.

### 2-амалий машғулот: Нуқта шаклини ўрнатиш, нуқта ва spline буйруқлари.

Нуқта шаклини ўрнатиш. Point – Точка – Нуқта буйруғи. Нуқта шаклини ўрнатиш, нуқта ва spline буйруқлари. Spline – сплайн – сплайн буйруғи

### 3-амалий машғулот:

#### Айлана ва узиш буйруқлари.

Circle -Круг -Айлана буйруғи. Берилган диаметрли айлана чизиш ([Diameter] опсияси). Учта нуқталар орқали ўтувчи айлана чизиш. Икки нуқталар орқали ўтувчи айлана чизиш. Берилган радиусли айланани икки геометрик фигураларга уринма (туташма) ҳолатда чизиш. LINE-ОТРЕЗОК-Кесма буйруғи. CIRCLE-КРУГ-Айлана буйруғи. Трим – Обрезат – Узиш буйруғи

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лоyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Изоҳ
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл




# "ЛОЙИХА" МЕТОДИ



ТИНГЛОВЧИЛАРНИ  
МУАЙЯН МУАММОНИ  
ЕЧИШГА  
ЙЎНАЛТИРИЛГАН,  
МУСТАҚИЛ ТАДҚИҚОТ  
ОЛИБ БОРИШНИ КЎЗДА  
ТУТУВЧИ МЕТОДДИР.

## «ЛОЙИХА» методининг тузилмаси



## “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи.

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва

**Намуна:**

Лойиҳаловчи тизимлар					
Анъанавий усул		Auto CAD		КОМПАС-3D	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

**“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<b>Лойиҳалаш</b>	Объектнинг бирламчи баёни ва (ёки) уни мавжуд қиладиган алгоритм асосида берилган шароитда ҳам мавжуд бўлмаган объектни яратиш учун зарур бўлган баёнини тузиш жараёнидир	
<b>Информацион</b>	лойиҳалаш жараёнида лойиҳавий	

<b>таъминоти</b>	ечимларни бевосита ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган маълумотлар	
<b>Техникавийтаъминот</b>	Автоматлаштирилган лойиҳалаш ибajariш учун мўлжалланган ўзаро боғланган ва ўзаро таъсир қилувчи техникавий воситалар мажмуи	
<b>График тизим</b>	Чизма график ишлари учун мўлжалланган тизим	
<b>Ишчи график зона</b>	Бу экраннинг ўртасида жойлашган асосий жабҳа, у ерда чизма бажарилади	


**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### “Балиқ скелети” методи

**методини** самарали амалга ошириш қоидалари:

- А) берилган ғоялар баҳоланмайди;
- Б) фикрлашга тўлиқ эркинлик берилади;
- В) берилаётган ғоялар миқдори қанча кўп бўлса, шунча яхши;
- Г) мавзу асосида берилган ғояларни ёзиб, кўринадиган жойга осиб қўйиш зарур;
- Д) берилган янги ғояларни яна тўлдириб, қатнашчилар рағбатлантирилиши лозим;
- Е) қатнашчилар ғоялари устидан кулиш, кинояли шарҳлар ва майна қилишларга йўл қўйилмаслиги шарт;
- Ж) янги-янги ғоялар туғилаётган экан, демак ишни давом эттириш керак.

### «Балиқ скелети» методи



**Мавзу.** AutoCad дастури, чизма ва графикларни компьютерда бажариш.

**Режа:**

**1.1. AutoCAD-2011 ҳақида умумий маълумот**

**1.2. Фойдаланувчининг интерфейси.**

**1.3. Буйруқни юклаш усуллари**

**1.4. . Объектнинг хусусиятлари**

**1.5. Сичқонча ёрдамида объектни яқинлаштириш ва узоқлаштириш**

**1.6. Объектни ўчирич усуллари.**

**Таянч иборалар:** интерфейс, меню, менюлар қатори, панель, асбоблар панели, буйруқ, буйруқлар қатори, ҳолатлар қатори, чизма майдони объект, объектларни боғлаш, объектнинг хусусиятлари, таҳрирлаш.

### **1.1. AutoCAD-2011 ҳақида умумий маълумот.**

AutoCAD тизими АҚШ нинг Аутодеск фирмаси томонидан ўтган асрнинг 80- йилларининг бошларида яратилган. Унинг бошланғич версиялари конструкторлар, чизмакашлар, техниклар ва ушбу соҳа мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди. Чунки улар ҳеч бўлмаганида лойиҳаларни бир оз қисмини бўлса ҳам автоматлаштиришни жуда хоҳлар эдилар. Ўша даврда архитектура-қурилиш, машинасозлик йўналишларида меҳнат қилаётган конструкторлар лойиҳалаштираётган ишларини чизиш учун жуда кўп вақт сарфлар эдилар.

Ўзбекистонга илк бор AutoCAD тизимининг ўнинчи версияси кириб келди ва у MS DOS операцион тизимда ишлар эди. MS DOS операцион тизимда AutoCAD тизимининг кейинги ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи версиялари ҳам ишлар эди. Ўн тўртинчи версияси Windows тизимига мослаштириб чиқарилган.


1999 йилда 15-версиясига AutoCAD-2000 деб ном берилди. Йилдан-йилга AutoCAD тизими такомиллашиб бормоқда. Ушбу тизимнинг бошланғич версиялари асосан, икки ўлчамли геометрик объектларни чизиш, таҳрирлаш ва қоғозга чиқариш буйруқларини ўз ичига олган бўлиб, унда асосан примитивлар-яъни оддий геометрик шакллар (кесма, тўртбурчак, кўпбурчак, айлана ва бошқалар)дан ташкил топган эди. Ҳозирги кунда AutoCAD тизими ниҳоятда ривожланиб кетган бўлиб, унга бутун дунёда талаб ва эҳтиёж ошиб бормоқда. Ушбу тизимнинг сўнги версияларида 3D ўлчамли фазода мураккаб

бўлган сиртларнинг конструкцияларини лойиҳалаш имкониятлари ошиб бормоқда. [1]

## 1.2. Фойдаланувчининг интерфейси.

Турли компьютер дастурларидан фойдаланиб бирор бир (чизма чизиш, матн ёзиш ёки жадвал тузиш ва бошқа) амални бажарган киши ушбу дастурнинг фойдаланувчиси ҳисобланади.

AutoCAD дастуридан фойдаланиб машинасозлик чизмаларини чизар эканмиз, албатта Биз ҳам ушбу дастурнинг фойдаланувчиси ҳисобланамиз. Ҳар қандай амалий дастурнинг интерфейси мавжуд бўлиб, ўша дастурнинг бажарадиган вазифасига қараб унга дастурчилар албатта интерфейс яратишади. Интерфейс фойдаланувчи учун қулайлик яратади.




1.1-чима. AutoCAD-2009 фойдаланувчисининг интерфейси.

**Интерфасэ** – инглизча сўз бўлиб, ички кўриниш (ички юза) деган маънони англатади. Фойдаланувчининг интерфэйси албатта куйидагилардан ташкил топган бўлиши керак (1.1-чизмага қаранг!).


1-Асбоблар панелларини, уларга: 1.1. **Стандартная** - Стандарт панели; 1.2. **Свойства**-Объектнинг хусусиятлари панели; 1.3. **Слой** - Қатламлар панели; 1.4. **Рисование**-Чизиш панели; 1.5. **Редактирование** - Тахрирлаш панели; 1.6. **Объектная привязка**-Объектларни боғлаш; 1.7. **Размер** - Ўлчамлар панели. 2 - **Менюлар қатори**; 3. **Буйруқлар қатори**;


4. **Ҳолатлар қатори**. Текисликдаги икки (2D) ўлчамли чизмаларни тезкор чизиш учун фойдаланувчи юқорида келтирилганлардан бири йўқ болса албатта ўрнатиб олиши керак бўлади.

Агар фойдаланувчининг интерфэйсида улардан бири ўрнатилмаган бўлса, улар куйидаги тартибда ўрнатилади.



1.2 – чизма.

1. Мавжуд бўлган асбоблар панелининг устига стрелка  шаклидаги курсорни кўйиб RM ёрдамида юкланади. Ундан сўнг 3-чизмада келтирилган рўйхат очилади.

2. Ушбу рўйхатдаги Объектная привязка, Размер, Редактирование, Рисование, Свойства, Слой, Стандартная сўзларининг чап томонига ушбу  белги LM ёрдамида кўйиб чиқилади. (1.2-чизмага қараб созлаб чиқинг!).

➡ **Эслатма.** LM-инглизча “**Left mouse**” деган маънони англатади ва сичқончанинг **чап** тугмаси бир марта чертилади.

➡ **RM**-инглизча “**Rigxt mouse**” деган маънони англатади ва сичқончанинг **ўнг** тугмаси бир марта чертилади. [2]


### 1.3. Буйруқни юклаш усуллари.

AutoCAD тизимида ҳеч бир чизмани буйруқларни юкласдан туриб чизиб бўлмади. Ушбу тизимда буйруқларни уч хил усулдан фойдаланиб юкланади.

### 1-усул. Буйруқ номини клавиатура орқали киритиш (юклаш).


Ушбу усулда буйруқнинг (масалан, **ОТРЕЗОК**) номи клавиатура орқали териблиб киритилади, сўнг **Enter** тугма босилади. Агар, AutoCADнинг русча версиясида ишлаётган бўлсак, буйруқнинг русча номини киритишимиз керак бўлади. Бунинг учун энг аввал **RU** Русский алифбосига ўтиб олишимиз лозимдир. AutoCADнинг русча версиясида буйруқнинг инглизча номини киритиб ишлаш мумкин. Бунинг учун албатта **EN** Английский (США) алифбосига ўтиб олишимиз лозим бўлади. Бундан хулоса қилишимиз керакки, қайси тилда ишласак, ўша тилнинг алифбосини ўрнатиб олишимиз шарт.

Буйруқни русча юклаш учун энг аввал **RU** Русский ни ўрнатиб оламиз. Буйруқлар қаторидаги Команда: (Буйруқ:) созининг давомига **ОТРЕЗОК** сўзини клавиатура орқали териблиб киритилади, сўнг Enter тугма босилади ва ушбу буйруқ юкланади. AutoCAD Бизга Первая точка: (Биринчи нуқта:) деб таклиф беради. Биринчи нуқтанинг координаталарини клавиатура орқали киритганимиздан сўнг, Enter тугма босилади. AutoCAD Бизга Следующая точка или [Отменить]: Кейинги нуқта ёки [бекор] ни таклиф этади. Бунга жавобан, кесманинг навбатдаги нуқтасининг координаталарини клавиатура орқали киритиб, сонг Enter тугмани босмиз. Буйруқдан чиқиш учун клавиатурадаги **Esc** тугма босилади. (1.4-чизма қаранг!)



1.3 – чизма. Буйруқлар қатори.


### 2-усул. Буйруқнинг тугмаси орқали юклаш.

Ушбу усулда асбоблар панелида жойлашган бирор-бир буйруқнинг тугмаси **LM** ёрдамида юкланади. Масалан, **Отрезок - \_LINE** - Кесма буйруғини юклаш учун **Чизиш панелидан** ушбу  **Отрезок - \_LINE** - Кесма буйруғининг тугмаси **LM** ёрдамида белгилангандан сўнг, буйруқ юкланади. Буйруқдан чиқиш учун клавиатурадаги **Esc** тугма босилади. (1.4 – чизмага қаранг!)

### 3-усул. Менюлар қаторидан фойдаланиб буйруқни юклаш.


Менюлар қатори 11 бўлимлардан иборат бўлиб, ҳар бирининг менюлари мавжуд. Менюнинг ичига буйруқлар рўйхати киритилган. Масалан **Отрезок - Кесма** буйруғини юклаш учун: **1.Рисование** бўлимининг менюси **LM** ёрдамида очилади; **2.** Ушбу меню рўйхатининг **Отрезок** буйруғи **LM** ёрдамида белгиланади. Шу билан **Кесма** буйруғи юкланади.(1.5-чизмага қаранг!)





LM  
yordamida  
yuklanadi

1.4 – чизма.





Menyular  
qatori

LM yordamida  
yuklanadi


1.5 – чизма.

#### 1.4. Объектнинг хусусиятлари

AutoCAD тизимида объектнинг хусусиятлари деганда чизиладиган чизма чизиқларининг йўғонлиги, чизиқнинг шакли ва чизиқнинг ранги тушинилади. Бизга маълумки, чизиқ турлари ва унинг йўғонлиги ҳамда, уларни чизмаларда қўлланиши Давлат стандартрига киритилган. Демак, Биз машинасозлик деталларини чизиш жараёнида чизиқ турлари О'з. Дст. 2.303-96 да қабул қилинган қодаларга риоя қилмоғимиз керак. AutoCAD тизимида «Свойства» - Объектнинг хусусиятлари панели, ушбу стандартни ўз ичига олган (1.6-чизма). Ушбу панел қуйидагиларни ўз ичига олган. Чизиқнинг ранги, чизиқ турлари ва чизиқнинг йўғонлиги. Панелнинг ушбу  тугмасини LM ёрдамида белгиласак рўйхат очилади. Рўйхатдан керакли ранг, чизиқнинг тури ва чизиқнинг йўғонлиги танланади (1.7-чизма). [1]



1.6 – чизма. Объектнинг хусусиятлари панели.



1-ro'yxat LM bilan ochiladi


2-kerakli rang yoki  
chiziqning yo'g'onligi LM  
bilan belgilanadi.

AK-2012


1.7 – чизма.

### Чизиқ турларини ўрнатиш.

Объектнинг хусусиятлари панелининг чизиқ турлари рўйхатида фақат узлуксиз чизиқ ўрнатилган бўлиб қолган штрих (невидимая<sup>2</sup>) ва штрих-пунктир (осевая<sup>2</sup>) чизиқларни ўрнатиб олишимиз керак бўлади. Ушбу чизиқ турларини ўрнатиш куйидаги босқичларда амалга оширилади (1.8 – чизмага қаранг ва рақамлар билан белгиланган кетма-кетликда созланг!); [3]




1.8 – чизма.

1. Объектнинг хусусиятлари панелининг ўрта қисмидаги ушбу  тигма LM билан белгиланади;


2. Очилган рўйхатнинг **Другой...** Бошқалар банди LM билан белгиланади. Ундан сўнг, **Диспетчер типов линий- Чизиқнинг турлари** мулоқатлар ойнаси очилади (1.9-чизма). Ушбу ойнадан:


1. **Загрузить...** Юклаш тугма LM билан босилади ва **Загрузка/ /перезагрузка типов линий – Чизиқнинг турларини юклаш/қайта юклаш**

мулоқатлар ойнаси очилади (1.10-чизмага қаранг ва рақамлар билан белгиланган кетма-кетликда созланг!);




1.9-чизма. Диспетчер типов линий-мулоқатлар ойнаси.

1. Ушбу  тугма LM билан белгиланиб турилади;
2. Рўйхатдан **невидимая2** - штрих чизик LM билан белгиланади;
3. **OK** тугма LM билан босилади ва ушбу мулоқатлар ойнаси ёпилади.




1.10-чизма. Загрузка/перезагрузка типов линий мулоқатлар ойнаси.

1.9 –чизмада берилган **Диспетчер типов линий- Чизикнинг турлари** мулоқатлар ойнасининг **Загрузить... Юклаш** тугмаси ЛМ билан босилади ва яна **Загрузка/перезагрузка типов линий – Чизикнинг турларини юклаш/қайта юклаш** мулоқатлар ойнаси очилади (1.11-чизмага қаранг ва рақамлар билан белгиланган кетма-кетликда созланг!);



1.11-чизма. Загрузка/перезагрузка типов линий мулоқатлар ойнаси.

1. Ушбу  тугма ЛМ билан белгиланиб турилади;
2. Рўйхатдан **осевая2** – **штрих-пунктир** чизик ЛМ билан белгиланади;
3. **OK** тугма ЛМ билан босилади ва ушбу мулоқатлар ойнаси ёпилади.


1.12-чизмадаги **Диспетчер типов линий - Чизикнинг турлари** мулоқатлар ойнасининг рўйхатига **невидимая2** ва **осевая2** чизик турлари қўшиб қўйилади. Ундан сўнг, **OK** тугма ЛМ билан босилади ва ушбу мулоқатлар ойнаси ёпилади. Ушбу **невидимая2** ва **осевая2** чизик турлари объектнинг хусусиятлари панелидаги рўйхатда ҳам ўрин олади. [4]



Esc тугма босилади.

**2-мисол.** Ихтиёрий узунликда қалинлиги 0,30мм ва ранги пушти бўлган ингичка туташ (узлуксиз) чизиқ чизилсин (1.13-чизма).

*Мисол қуйидаги боқичларда чизилади.*



Объектнинг хусусиятлари панелидан чизиқнинг ранги – **Фиолетовый** – пушти, чизиқ тури – **Continuous** – узлуксиз ва чизиқ қалинлиги **0,30мм** қилиб LM ёрдамида ўрнатиб оламиз.

 **LINE – Отрезок** - Кесма буйруғи LM ёрдамида юкланади.


Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида кесманинг 1-нуқтаси LM билан киритилади.

Хоч + шаклидаги курсорни ўнг томон горизонтал ҳолатда, кесманинг 2 – нуқтаси ихтиёрий узунликдаги масофада LM билан киритилади.

Esc тугма босилади.

**3-мисол.** Ихтиёрий узунликда, қалинлиги 0,35мм ва ранги яшил бўлган штрих чизиқ чизилсин (1.13-чизма).

*Мисол қуйидаги боқичларда чизилади.*



Объектнинг хусусиятлари панелининг ,чизиқнинг ранги -**Зеленый**- яшил, чизиқ тури-**Невидимая2**-штрих ва чизиқ қалинлиги **0,30мм** қилиб LM ёрдамида ўрнатиб оламиз.

 **LINE-Отрезок** -Кесма буйруғи LM ёрдамида юкланади.


Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида кесманинг 1-нуқтаси LM билан киритилади.

Хоч + шаклидаги курсорни ўнг томон горизонтал ҳолатда, кесманинг 2-нуқтаси ихтиёрий узунликдаги масофада LM билан киритилади.

Esc тугма босилади.

**4-мисол.** Ихтиёрий узунликда, қалинлиги 0,35мм ва ранги кўр бўлган штрих-пунктир чизиқ чизилсин (1.13-чизма).

*Мисол қуйидаги босқичларда чизилади.*




Объектнинг хусусиятлари панелидан чизиқнинг ранги -**Синий**-яшил, чизиқ тури-**Осевая**-штрих-пунктир ва чизиқ қалинлиги **0,35мм** қилиб **LM** ёрдамида ўрнатиб оламиз.


2.  **LINE-Отрезок -Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

3. Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида кесманинг 1-нуқтаси **LM** билан киритилади.

4. Хоч **+** шаклидаги курсорни ўнг томон горизонтал ҳолатда, кесманинг 2-нуқтаси ихтиёрий узунликдаги масофада **LM** билан киритилади.

5. **Esc** тугма босилади.

Ҳолатлар қаторидан ушбу  **Отображение линии в соответствии с весами** – Чизиқ йўғонлигини тасвирланиши тугма **LM** ёрдамида ёқилади.



1.13-чизма. Чизиқ турлари.

### 1.5. Сичқонча ёрдамида объектни яқинлаштириш ва узоқлаштириш.


AutoCAD дастурида чизмаларни чизиш, матн ёзиш, уларни таҳрирлаш ва шу каби бошқа функцияларни бажариш жараёнида сичқончадан ниҳоятда кўп фойдаланамиз. Шунинг учун сичқончанинг барча бажарадиган вазифаларини билишимиз керак бўлади. [7]

Чизилаётган чизма экранда кичик бўлиб тасвирланса, у ҳолда сичқончанинг ўртасида жойлашган ғилдиракни кўрсаткич бармоқ билан юқори томонга юритинг. Натижада чизилган объект экранда Сизга “яқинлашади” яъни реал вақтда катталашган бўлади. Агар ғилдиракни ўзингиз томонга юргизсангиз чизилган чизма Сиздан “узоқлашади” яъни реал вақтда кичиклашади.

Сичқончанинг ғилдираги яна бир вазифани бажаради. Кўрсаткич бармоғингиз билан ғилдиракни босиб турсангиз экранда “қўл” нинг тасвири чиқади. Ғилдиракни босиб турган ҳолда экрандаги чизмани исталган томонга суриб қўйиш мумкин.



## 1.6. Объектни ўчирич усуллари.

Кўп холларда чизилган чизманинг айрим қисмларини ўчиришга тўғри келади. Бундай холларда ўчириладиган объектни икки хил усулдан фойдаланиб ўчириш мумкин.

**1-усул.**  **\_ERASE- СТЕПЕТЬ- Ўчириш** буйруғидан фойдаланиб объектни ўчириш.

**2-усул.** **Сичқонча (LM)** ёрдамида объектни белгилаб ўчириш.

**1-усул.**  **СТЕПЕТ - \_ERASE – Ўчириш** буйруғи.

Бунинг учун  **\_ERASE - СТЕПЕТ - Ўчириш** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади ва квадрат  шаклидаги



нишонча билан ўчириладиган объект **LM** ёрдамида белгиланади, натижада объект штрих чизиқ ҳолатга ўтади, ундан сўнг **Enter** тугма босилади.




1.14-чизма

(1.14-чизмага қаранг!). Натижада чизма ўчади.

**2-усул.** **Сичқонча** ёрдамида объектни белгилаб ўчириш.

Ушбу усулда бўш  курсор ўчириладиган объект устига қўйилиб **LM** ёрдамида белгиланади. Натижада объектни белгилаб турувчи квадрат  шаклидаги «Даста»лар ҳосил болади, объект эса штрих ҳолатда тасвирланади. Ундан сўнг клавиатурадаги **Delete** тугма босилади. (1.15-чизмага қаранг!) Натижада чизма ўчади. [8]



1.5 – чизма.

### Назорат саволлари.

1. AutoCAD тизими қайси давлатда яратилган?
2. Интерфейс сози қандай маънони англатади?
3. Фойдаланувчи дейилганда нима тушинилади?
4. Асбоблар панелининг таркиби нималардан иборат?
5. Асбоблар панеллари қандай ўрнатилади?
6. 2D чизмаларни чизишда асосан қайси асбоблар панелларидан қўлланилади?



## Мавзу. Геометриқ объектларнинг координаталарини киритиш усуллари, объектларни таҳрирлаш.

**Режа:**



**2.1. Line – Отрезок – Кесма буйруғи**

**2.2. Объектнинг координаталарини киритиш усуллари**

**2.3. Сичқонча ёрдамида объектни таҳрирлаш**

**Таянч иборалар:** line-отрезок-кесма, абсолют декарт координаталар усули, нисбий декарт координаталар усули, қутб координаталар усули, тезкор киритиш усули, опция, бўш курсор, хоч шаклидаги курсор, хотира, пароль.

### 2.1. \_Line – Отрезок – Кесма буйруғи.

Кесма буйруғидан фойдаланиб, кўп ҳолларда **кесма, синиқ чизиқ** ва ихтиёрий **кўпбурчаклар** чизилади. Кесмани AutoCAD тизимида икки хил ҳолатларда чизиш мумкин. 1- ихтиёрий ўлчамда. 2-аниқ берилган ўлчамда. Ихтиёрий ўлчамда кесма фақат **сичқонча (LM)** ёрдамида чизилади. Аниқ берилган ўлчамдаги кесма нуқталарининг координаталари **клавиатура** орқали киритилади. Бизга маълумки, кесманинг фақат икки учлари бўлиб, уларни нуқталар билан белгилаймиз.  **\_Line – Отрезок – Кесма** буйруқ юклангандан сўнг, кесманинг 1-нуқтасининг координаталарини клавиатура орқали киритамиз. Ундан сўнг унинг 2-нуқтасининг координаталарини ҳам клавиатура орқали киритамиз. Шу билан берилган ўлчамдаги кесма чизиб олинади. Буйруқдан чиқиш учун **Enter** ёки **Esc** тугма босилади. Сичқонча ёрдамида ихтиёрий ўлчамдаги кесмани чизиш учун  **Line – Отрезок – Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади. Кесманинг 1-нуқтаси чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **LM** ёрдамида киритилади, сўнг 2-нуқтаси ҳам шу усулда киритилади. Буйруқдан чиқиш учун **Esc** тугма босилади.

Кейинги мавзуларда **Кесма** буйруғи ва унинг опсиялари ҳақидаги маълумотлар аниқ мисоллар билан берилган. [1]

## 2.2. Объектнинг қординаталарини қиритиш усуллари.


AutoCAD тизимида ҳар қандай 2D ўлчамли объект нуқтасининг қординаталарини клавиатура орқали **тўрт хил усулларда** қиритиш мумкин.

### 1-усул. Абсолют декарт қординаталар усули.


Бу усулда объект нуқтасининг **x** ва **y** қординаталари, қордината боши нўлга нисбатан олинади. Масалан, А нуқтанинг қординатаси қуйидаги кўринишга эга бўлади. **A(x,y)**.

**1-мисол.** Қординаталари **A(15,20); B(50,20)** билан берилган **[AB]** кесма чизилсин.

(2.1.- чизмага қаранг!)



2.1- чизма



2.2 - чизма

Ушбу **[AB]** кесма қуйидаги дастур асосида чизилади.

**\_Line - Отрезок-Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

**A** нуқтанинг қординаталари клавиатура орқали **15,20** рақамларини териб қиритилади ва **Enter** тугма босилади.

**B** нуқтанинг қординаталари клавиатура орқали **50,20** рақамларини териб қиритилади ва **Enter** тугма босилади.

**Esc** тугма босилиб буйрукдан чиқилади.

AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

Команда: <code>_Line</code> Первая точка: 15,20	<b>E</b>
Следующая точка или [Отменить]: 50,20	<b>nter</b>
Следующая точка или [Отменить]: *Прервано*	<b>E</b>
	<b>nter</b>
	<b>Es</b>
	<b>c</b>

➡ **Эслатма:** **Enter** ва **Esc** тугмалар босилади.

**2-мисол.** Координаталари билан  $C(25,40)$ ;  $D(120,80)$  берилган [CD]кесма чизилсин.

(2.2.- чизмага қаранг!)

Ушбу [CD] кесма қуйидаги дастур асосида чизилади.

**\_Line- Отрезок-Кесма** буйруғи LM ёрдамида юкланади.

**C** нуқтанинг координаталари клавиатура орқали **25,40** рақамларини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.


**D** нуқтанинг координаталари клавиатура орқали **120,80** рақамларини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

**Esc** тугма босилиб буйрукдан чиқилади.


AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

- |  |              |
|--|--------------|
| 1. Команда: <code>_Line</code> Первая точка: 25,40 | <b>Enter</b> |
| 2. Следующая точка или [Отменить]: 120,80          | <b>Enter</b> |
| 3. Следующая точка или [Отменить]: *Прервано*      | <b>Esc</b>   |

**3-мисол. Берилган ўлчамдаги тўртбурчак чизилсин. (2.3.-чизмага қаранг!)**



2.3 - чизма



2.4 - чизма

Ушбу ABCD тўртбурчак қуйдаги дастур асосида чизилади.

**\_Line – Отрезок – Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

**A** нуқтанинг қординаталари клавиатура орқали **30,40** рақамларини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

**B** нуқтанинг қординаталари клавиатура орқали **130,40** рақамларини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

**C** нуқтанинг қординаталари клавиатура орқали **130,90** рақамларини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

**D** нуқтанинг қординаталари клавиатура орқали **60,90** рақамларини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

Яна **A** нуқтанинг қординаталари клавиатура орқали **30,40** рақамларини териб киритилади ва икки марта **Enter** тугма босилади.

**Ёки**

**\_Line – Отрезок**-буйруғининг [ **Замкнуть** ] опциясининг босма ҳарфи билан ёзилган **З** ҳарфини клавиатура орқали киритиб, сўнг **Enter** тугма босилади.

➡ Эслатма: **З** ҳарфи **RU** **Русский** алифбосида киритилган.

AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйдагича ёзиб боради.

1. Команда: <u>Line</u> Первая точка: 30,40	<b>Enter</b>
2. Следующая точка или [Отменить]: 130,40	<b>Enter</b>
3. Следующая точка или [Отменить]: 130,90	<b>Enter</b>
4. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: 60,90	<b>Enter</b>
5. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: 30,40	<b>Enter Enter</b>

**4-мисол.** Берилган ўлчамдаги тўртбурчак чизилсин. (2.4.-чизмага қаранг!)

Ушбу АБСД тўртбурчак қуйидаги дастур асосида чизилади.

Line – **Отрезок** – **Кесма** буйруғи LM ёрдамида юкланади.

А нуқтанинг координаталари клавиатура орқали **40,30** рақамларини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

В нуқтанинг координаталари клавиатура орқали **130,30** рақамларини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

С нуқтанинг координаталари клавиатура орқали **130,90** рақамларини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

В нуқтанинг координаталари клавиатура орқали **40,90** рақамларини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

[Замкнуть] опциясининг **З** ҳарфини клавиатура орқали киритилиб, сўнг **Enter** тугма босилади.

➡ Эслатма: **З** ҳарфи **RU** **Русский** алифбосида киритилган.

AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

[5]

1. Команда: <u>Line</u> Первая точка: 40,30	<b>Enter</b>
2. Следующая точка или [Отменить]: 130,30	<b>Enter</b>
3. Следующая точка или [Отменить]: 130,90	<b>Enter</b>
4. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: 40,90	<b>Enter</b>
5. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: <b>З</b>	<b>Enter</b>

## 2-усул. Нисбий декарт координаталар усули.


Ушбу усулда объект нуқтасининг координаталари сўнги киритилган нуқтанинг координаталарига нисбатан олинади ва у қуйидаги кўринишга эга бўлади.

**@x,y** бу ерда: **@** - сўнги киритилган нуқтанинг координаталарини нўлга тенг деб ўқийди; **x** ва **y** – киритиладиган нуқтанинг сон қийматидаги координаталари.

**1-мисол. Берилган ўлчамдаги [AB] кесма чизилсин. (2.5-чизма).**

Ушбу [AB] кесма қуйидаги дастур асосида чизилади.

**\_Line** – **Отрезок** –  
**Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида  
юкланади.



2.5 - chizma

**A** нуқта чизма майдонининг  
ихтиёрый қисмида **LM** ёрдамида  
киритилади. (2.5-чизмага қаранг!)


**B** нуқтанинг координаталари  
клавиатура орқали **@60,0** терилиб  
киритилади ва **Enter** тугма босилади.

Клавиатурадаги **Esc** тугма босилади.


AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

- |  |              |
|--|--------------|
| 1. Команда: <b>_Line</b> Первая точка:               | <b>LM</b>    |
| 2. Следующая точка или [Отменить]: <b>@60,0</b>      | <b>Enter</b> |
| 3. Следующая точка или [Отменить]: <b>*Прервано*</b> | <b>Esc</b>   |

**2-мисол. Берилган ўлчамдаги [CD] кесма чизилсин. (2.6-чизмага қаранг!)**



2.6 - чизма



2.7 - чизма

Ушбу [CD] кесма қуйидаги дастур асосида чизилади.

**\_Line – Отрезок – Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

С нукта чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **LM** ёрдамида киритилади. (2.6-чизма)

Д нуктанинг қординаталари клавиатура орқали **@50,30** терилиб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

Клавиатурадаги **Esc** тугма босилади.

AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

- |  |              |
|--|--------------|
| 1. Команда: <b>_Line</b> Первая точка:               | <b>LM</b>    |
| 2. Следующая точка или [Отменить]: <b>@50,30</b>     | <b>Enter</b> |
| 3. Следующая точка или [Отменить]: <b>*Прервано*</b> | <b>Esc</b>   |

**3-мисол.** Берилган ўлчамдаги [EF] кесма чизилсин. (2.7-чизмага қаранг!)

Ушбу [EF] кесма қуйидаги дастур асосида чизилади.

**\_Line – Отрезок – Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.


1. Э нукта чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **LM** ёрдамида киритилади. (2.7-чизма)

2. F нуктанинг қординаталари клавиатура орқали @-50,40 терилиб киритилади ва Enter тугма босилади.
3. Клавиатурадаги Esc тугма босилади.


AutoCAD ушбу дастурни Буйруқлар қаторида қуйидагича ёзиб боради.

- |                                    |               |       |
|------------------------------------|---------------|-------|
| 1. Команда: _Line                  | Первая точка: | LM    |
| 2. Следующая точка или [Отменить]: | @-50,40       | Enter |
| 3. Следующая точка или [Отменить]: | *Прервано*    | Esc   |

4-мисол. Берилган ўлчамдаги тўртбурчак чизилсин. (2.8-чизма)



2.8-чизма



2.9-чизма

Ушбу тўртбурчак қуйидаги дастур асосида чизилади.

**\_Line** – **Отрезок** – **Кесма** буйруғи LM ёрдамида юкланади.

A нукта чизма майдонининг ихтиёрий қисмида LM ёрдамида киритилади. (2.8-чизма)

B нуктанинг қординаталари клавиатура орқали @120,0 терилиб киритилади ва Enter тугма босилади.

C нуктанинг қординаталари клавиатура орқали @0,80 терилиб киритилади ва Enter тугма босилади.

d нуктанинг қординаталари клавиатура орқали @-70,0 терилиб киритилади ва Enter тугма босилади.

[Замкнутъ] опциясининг 3 ҳарфини клавиатура орқали киритилиб, сўнг Enter тугма босилади.

➡ Эслатма: 3 ҳарфи RU Русский алифбосида киритилган.



AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

1. Команда: <b>_Line</b> Первая точка:	<b>LM</b>
2. Следующая точка или [Отменить]: <b>@120,0</b>	<b>Enter</b>
3. Следующая точка или [Отменить]: <b>@0,80</b>	<b>Enter</b>
4. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: <b>@-70,0</b>	<b>Enter</b>
5. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: <b>З</b>	<b>Enter</b>

**5-мисол. Берилган ўлчамдаги 120x80мм тўғри тўртбурчак чизилсин.**

(2.9-чизма)

Ушбу тўғри тўртбурчак қуйидаги дастур асосида чизилади.

**\_Line – Отрезок – Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

А нукта чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **LM** ёрдамида киритилади. (2.9-чизма)

В нуктанинг координаталари клавиатура орқали **@120,0** терилиб киритилади ва **Enter** тугма босилади. (2.9-чизмага қаранг!)

С нуктанинг координаталари клавиатура орқали **@0,80** терилиб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

Д нуктанинг координаталари клавиатура орқали **@-120,0** терилиб киритилади ва **Enter** тугма босилади. (2.9-чизмага қаранг!)

[Замкнуть] опциясининг **З** ҳарфи клавиатура орқали киритилиб, сўнг **Enter** тугма босилади.

➡ Эслатма: **З** ҳарфи **RU** **Русский** алифбосида киритилган.

AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

1. Команда: <b>_Line</b> Первая точка:	<b>LM</b>
2. Следующая точка или [Отменить]: <b>@120,0</b>	<b>Enter</b>
3. Следующая точка или [Отменить]: <b>@0,80</b>	<b>Enter</b>
4. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: <b>@-120,0</b>	<b>Enter</b>
5. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: <b>З</b>	<b>Enter</b>

### 3-усул. Қутб координаталар усули.

Ушбу усулда кесманинг узунлиги ва унинг  $x$  - ўққа оғиш бурчак катталиги берилиб, сўнг клавиатура орқали киритилади. Қутб координаталар усули қуйидаги кўринишга эга.


@  $L < \alpha$  бу ерда:

@ - сўнги киритилган нуқтанинг координаталарини нўлга тенг деб ўқийди;


$l$  – кесманинг узунлиги;

ушбу “ $<$ ” белги  $l$  ва  $\alpha$  сонли қийматларни ажратиб туради;

$\alpha$  – кесманинг  $x$  ўққа оғиш бурчаги (2.10-чизмага қаранг!). [7]



2.10-чизма



2.11-чизма

**1-мисол.** Узунлиги 60мм бўлган ва  $x$  ўққа  $120^\circ$  оғган [AB] кесма чизилсин

(2.11-чизмага қаранг!).

Ушбу [AB] кесма қуйидаги дастур асосида чизилади.

**\_Line – Отрезок – Кесма** буйруғи LM ёрдамида юкланади.


1. A нуқта чизма майдонининг ихтиёрий қисмида LM ёрдамида киритилади. (2.11-чизма)
2. B нуқтанинг координаталари клавиатура орқали @60<120 терилиб киритилади ва Enter тугма босилади. (2.11-чизмага қаранг!)

3. Клавиатурадаги **Esc** тугма босилади.


AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

1. Команда: <u>Line</u> Первая точка:	<b>LM</b>
2. Следующая точка или [Отменить]: @60<120	<b>Enter</b>
3. Следующая точка или [Отменить]: *Прервано*	<b>Esc</b>

**2-мисол.** Берилган ўлчамдаги тўртбурчак чизилсин. (2.12-чизма)



2.12-чизма



2.13-чизма

Ушбу тўртбурчак қуйидаги дастур асосида чизилади.

Line – **Отрезок** – **Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

**A** нукта чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **LM** ёрдамида киритилади. (2.12-чизма)

**B** нуктанинг қординаталари клавиатура орқали **@120<0** терилиб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

**C** нуктанинг қординаталари клавиатура орқали **@80<90** терилиб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

**D** нуктанинг қординаталари клавиатура орқали **@70<180** терилиб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

[Замкнут] опциясининг **З** ҳарфини клавиатура орқали

• киритилиб, сўнг **Enter** тугма босилади.

➡ Эслатма: **З** ҳарфи **RU** **Русский** алифбосида киритилган.

AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

1. Команда: <b>_Line</b> Первая точка:	<b>LM</b>
2. Следующая точка или [Отменить]: <b>@120&lt;0</b>	<b>Enter</b>
3. Следующая точка или [Отменить]: <b>@80&lt;90</b>	<b>Enter</b>
4. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: <b>@70&lt;180</b>	<b>Enter</b>
5. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: <b>З</b>	<b>Enter</b>

**3-мисол.** Берилган ўлчамдаги 120x80мм тўғри тўртбурчак чизилсин.

(2.13-чизма)

Ушбу тўғри тўртбурчак қуйидаги дастур асосида чизилади.

**\_Line** – **Отрезок** – **Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

1. **A** нуқта чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **LM** ёрдамида киритилади. (2.13-чизма)
2. **B** нуқтанинг координаталари клавиатура орқали **@120<0** терилиб киритилади ва **Enter** тугма босилади. (2.13-чизмага қаранг!)
3. **C** нуқтанинг координаталари клавиатура орқали **@80<90** терилиб киритилади ва **Enter** тугма босилади.
4. **D** нуқтанинг координаталари клавиатура орқали **@120<180** терилиб киритилади ва **Enter** тугма босилади. (2.13-чизмага қаранг!)
5. [Замкнуть] опциясининг **З** ҳарфини клавиатура орқали киритилиб, сўнг **Enter** тугма босилади.

➡ Эслатма: **З** ҳарфи **RU** **Русский** алифбосида киритилган.


AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

1. Команда: <b>_Line</b> Первая точка:	<b>LM</b>
2. Следующая точка или [Отменить]: <b>@120&lt;0</b>	<b>Enter</b>
3. Следующая точка или [Отменить]: <b>@80&lt;90</b>	<b>Enter</b>
4. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: <b>@120&lt;180</b>	<b>Enter</b>
5. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: <b>З</b>	<b>Enter</b>

#### 4-усул. Кесма узунлигини тезкор клавиатура орқали киритиш усули.

Ушбу усул одатда горизонтал ва вертикал чизикларнинг чизмаларини чизишда жуда катта қулайлик яратади. Бунда фақат кесма узунлиги клавиатура орқали киритилади. Бундай ҳолларда албатта ҳолатлар қаторидаги “Орто” ёки “Полярное отслеживание” тугмаларидан бири фаоллаштирилиб қўйилиши керак. Улардан бирини клавиатурадаги **F8** ёки **F10** тугмани босиб фаоллаштирилса ҳам бўлади.

**1-мисол.** Берилган ўлчамдаги 120x80мм ли тўғри тўртбурчак чизилсин (2.14-чизма).




2.14-чизма.

Ушбу тўғри тўртбурчак қуйидаги дастур асосида чизилади.

**Line – Отрезок – Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

1. **A** нукта чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **LM** ёрдамида киритилади. (2.14-чизма)
2. Курсорни ўнг йўналиш томонга горизонтал ҳолатда қўйиб, сўнг клавиатура орқали **120** рақамини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади. Натижада **B** нуктага эга бўламиз.
3. Курсорни юқори йўналиш томонга вертикал ҳолатда қўйиб, сўнг клавиатура орқали **80** рақамини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади. Натижада **C** нуктага эга бўламиз.
4. Курсорни чап йўналиш томонга горизонтал ҳолатда қўйиб, сўнг

- клавиатура орқали **120** рақамини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади. Натижада **D** нуқтага эга бўламиз.
5. Курсорни паст йўналиш томонга вертикал ҳолатда қўйиб, сўнг клавиатура орқали **80** рақамини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади. Натижада **A** нуқтага эга бўламиз.
6. Клавиатурадаги **Esc** тугма босилади.

➡ Эслатма: “Полярное отслеживание”  тугмани фаоллаштирилиб қўйилиши шарт.




AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

1. Команда: <b>_Line</b> Первая точка:	<b>LM</b>
2. Следующая точка или [Отменить]: 120	<b>Enter</b>
3. Следующая точка или [Отменить]: 80	<b>Enter</b>
4. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: 120	<b>Enter</b>
5. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: 80	<b>Enter</b>
6. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: *Прервано*	<b>Esc</b>


### 2.3. Сичқонча ёрдамида объектни таҳрирлаш.

Чизилган объектни сичқонча ёрдамида таҳрирлаш деганга объектни чўзиш, қисқартириш ва керакли жойга кўчириш тушинилади.


#### Чизилган объектни сичқонча ёрдамида чўзиш ва қисқартириш.

Масалан, чизилган кесмани чўзиш учун аввал бўш  курсорни кесма устига қўйиб, сўнг **LM** билан белгиланади. Ундан сўнг кесмани белгиловчи учта бўялган квадрат шаклидаги “Даста” ҳосил бўлади. Кесма учларидаги Дасталардан бирининг устига бўш  курсорни қўйиб **LM** билан белгиланади. Ушбу Даста қизил рангга ўтади ва ҳож  шаклидаги курсор билан объектни узайтириш, қисқартириш ҳамда ушбу кесма учини керакли жойга кўчириш имкониятига эга бўламиз. (2.15-чизмага қаранг!)

[2]



2.15-чизма



2.16-чизма

Агар кесмани бошқа жойга кўчирмоқчи бўлсак, бўш  $\text{+}$  курсор билан кесма **LM** ёрдамида белгиланади. Кесма учларида ва ўртасида учта “Даста”лар ҳосил бўлади. Ўртадаги “Даста”нинг устига бўш  $\text{+}$  курсорни қўйиб **LM** билан белгилаймиз, ундан сўнг “Даста” қизил рангда тасвирланади ва керакли жойга **LM** ёрдамида кўчирамиз (2.16- чизмага қаранг!).


➔ **Эслатма:** Бўш курсор  $\text{+}$  шакли.

### Чизмани хотирада сақлаш.

Ҳар қандай чизилган чизмани хотирада сақлаш лозим бўлади. Бунинг учун қуйидаги амаллар бажарилиши керак:

1. Менюлар қаторидан **Файл LM** ёрдамида очилади;
2. Очилган ментй рўйхатидан **Сохранить как...** **LM** ёрдамида белгиланади;


**Сохранение чертежа** мулоқатлар ойнаси очилади. Ушбу ойна қуйидаги кетма-кетликда созланиб чиқади (2.17-чизмага қаранг ва рақамлар билан белгиланган тартибда созлаб чиқинг!):




2.17-чизма. “Сохранение чертежа” мулоқатлар ойнаси.

1. **Мои документы** бўлими **LM** ёрдамида белгиланади;
2. **Создать папку** бўлими **LM** ёрдамида белгиланади;
3. **Новая папка** га клавиатура орқали **1-вазифа** сўзи киритилади;
4. **Сохранить** тугма **LM** ёрдамида белгиланади;
5. **1-вазифа** папкаси очилади ва **Имя файла:** бандига клавиатура орқали **Массив элементлари** номи киритилади (2.18-чизмага қаранг!);
6. **Сохранить** тугма **LM** ёрдамида босилади.






2.18-чизма. “Сохранение чертежа” давоми.

Шу билан чизилган чизма хотирада сақланади. Чизмани чизиш жараёнида ушбу  **\_Qsave** – **БСОХРАНИТЬ**-Сақлаш-буйруқ тугмани **LM** ёрдамида босиб турилиши керак.

**Хотирада сақланган чизмани очиш.**

Хар қандай хотирада сақланган чизмани очиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги амаллар бажарилиши керак:




2.19-чизма

1. Менюлар қаторидан **Файл LM** ёрдамида очилади;
2. Очилган ментй рўйхатидан **Открыть...** LM ёрдамида белгиланади;

**Выбор файла** мулоқатлар ойнаси очилади. Ушбу ойна қуйидаги кетма-кетликда созланиб чиқилади (2.19-чизмага қаранг ва рақамлар билан белгиланган тартибда созлаб чиқинг):


1. **Мои документы** бўлими LM билан белгиланади ва ушбу бўлим очилади;
2. **1-ВАЗИФА** папкаси LM ёрдамида белгиланади;
3. **Открыть** тугма LM ёрдамида белгиланади ва **1-ВАЗИФА** папкаси очилади;
4. **Массив элементлари** LM билан белгиланади (2.20-чизмага қаранг!);
5. **Открыть** тугма LM ёрдамида белгиланади. Шу билан чизмангиз очилади.




2.20-чизма

### Чизмага пароль қўйиш.


AutoCAD дастури яна бир чизмаларнинг сақлаш турини яратган. Фойдаланувчи чизаётган чизма файлларини махфий сақлаши мумкин. Бунинг учун қуйидаги амалларни бажариш керак бўлади. **Эслатма:** Аввал, чизма хотирада бирор-бир ном билан сақланган бўлиши шарт! [3]

 **Привязка-Боғлаш** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади. Ундан сўнг **Режим рисования** мулоқатлар ойнаси очилади (2.21-чизма [ўртаси узиб ташланган]). У ердан:

1. **Настройка** тугмаси **LM** ёрдамида юклангандан сўнг **Настройка** мулоқатлар ойнаси очилади (2.22-чизма).




2.21-чизма. Режим рисование мулоқатлар ойнаси.



2.22-чизма. Настройка мулоқатлар ойнаси.

2. **Настройка** мулоқатлар ойнасининг **Открытие/Сохранение** бўлими **LM** ёрдамида юкланади;

3. У ердан **Безопасность...** тугма **LM** ёрдамида юклангандан сўнг, **Параметры безопасности** мулоқатлар ойнаси очилади (2.23-чизма);



2.23-чизма. **Параметры безопасности** ва **Подтверждение пароля** мулоқатлар ойналари.

4. **Параметры безопасности** мулоқатлар ойнасининг **Пароль** бўлими **LM** ёрдамида юкланади;

5. **Для открытия этого чертежа необходимо ввести пароль**-Ушбу чизмани очиш учун паролни киритинг, бандига пароль киритилади;







6. **OK** тугма **LM** билан босилгандан сўнг, **Подтверждение пароля** мулоқатлар ойнаси очилади;

7. **Для открытия этого чертежа необходимо ввести пароль**-Ушбу чизмани очиш учун паролни киритинг бандига, **пароль қайта киритилади**;

8. **OK** тугма **LM** ёрдамида босилади. [5]

**Ушбу чизмаларни 4 хил объектнинг қординаталарни киритиш усуллардан фойдаланиб мустақил чизинг.**

Ҳар бир катак 5мм га тенг.



## 1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

### Мавзу. Кўпбурчак ва тўғри тўртбурчак буйруқлари.

**Ишдан мақсад:** AutoCAD дастури ёрдамида кўпбурчак ва тўғри тўртбурчак буйруқларидан фойдаланиб фигуралар чизиш.

#### Масаланинг қўйилиши:


1. Polygon – mn-ugol – кўпбурчак буйруғи ёрдамида фигура чизиш 
2. Rectang – прямоугольник - тўғри тўртбурчак буйруғи ёрдамида фигура чизиш 

#### Ишни бажариш тартиби

Мазкур буйруқдан фойдаланиб мунтазам кўпбурчаклар чизилади. Ушбу ҳолда кўпбурчакнинг томонларини ками билан учта ва энг кўпи билан 1024 гача қилиб чизиш назарда тутилган. [1,2,3,4]. Геометрия фанидан маълумки, ҳар қандай мунтазам кўпбурчакнинг учлари орқали ўтувчи ёки унинг томонларига уринма бўлган айлана чизиш мумкин. AutoCAD тизими ушбу қоидаларга амал қилган ҳолда кўпбурчакни чизилишини назарда тутган бўлиб, улар учуниқки опсияларни яратган. Кўпбурчак буйруқ юклангандан сўнг, қуйидагилар киритилади:


1. Кўпбурчакнинг томонлар сони киритилади. (Масалан, 5 рақамини киритамиз);
2. Кўпбурчакнинг (айлана) маркази киритилади;
3. Ушбу **[Вписанный в окружность/Описанный вокруг окружности]** опсиялардан бири киритилади;
4. Айлана радиуси киритилади. [2]

**[Вписанный] opsiyasi**



1 – расм.

**[Описанный] opsiyasi**



2 – расм.

Кўпбурчак-  
ning  
markazi

Ушбу буйруқни қуйидаги мисолларда кўриб чиқамиз.

**1-мисол.** [Вписанный в окружность] опсиясидан фойдаланиб R30 радиусли айлана ичида жойлашган мунтазам бешбурчак (1 – расм) чизилсин.

Ушбу мисол қуйидаги дастур асосида чизилади.



**\_POLYGON - MN-UGOL - Кўпбурчак** буйруғи LM ёрдамида юкланади.

1. Клавиатура орқали кўпбурчакнинг томонлар сони **5** рақам териб киритилади ва Enter тугма босилади.
2. Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида кўпбурчакнинг (айлана) маркази LM ёрдамида киритилади.
3. Клавиатура орқали [Вписанный в окружность] опсиясининг **В** ҳарфи териб киритилади ва Enter тугма босилади.
4. Клавиатура орқали айланарадиуси**30** рақам териб киритилади ва Enter тугма босилади.

AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

1. Команда: _полюгон Число сторон <4>: <b>5</b>	<b>Enter</b>
2. Укажите центр многоугольника или [Сторона]:	<b>LM</b>
3. Задайте опцию размещения [Вписанный в окружность/Описанный вокруг окружности]<O>: <b>В</b>	<b>Enter</b>
4. Радиус окружности: <b>30</b>	<b>Enter</b>

**2-мисол.** [Описанный вокруг окружности] опсиясидан фойдаланиб, R30 радиуси айланага ташқи уринма ҳолатда жойлашган мунтазам бешбурчак (2 – расм) чизилсин.

Ушбу мисол қуйидаги дастур асосида чизилади.



**POLYGON-MN-UGOL-Кўпбурчак** буйруғи LM ёрдамида юкланади.

Клавиатура орқали кўпбурчакнинг томонлар сони **5** рақам териб киритилади ва Enter тугма босилади.

Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида кўпбурчакнинг (айлана) маркази LM ёрдамида киритилади.

Клавиатура орқали [Описанный вокруг окружности] опсиясининг **O** ҳарфи териб киритилади ва Enter тугма босилади.

Клавиатура орқали айлана радиуси **30** рақам териб киритилади ва Enter тугма босилади. [2]

AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

- |   |           |              |
|---|-----------|--------------|
| 1. Команда: _полюгон Число сторон <4>:  | <b>5</b>  | <b>Enter</b> |
| 2. Укажите центр многоугольника или [Сторона]:  |           | <b>LM</b>    |
| 3. Задайте опцию размещения [Вписанный в окружность/Описанный вокруг окружности] <В>: | <b>O</b>  | <b>Enter</b> |
| 4. Радиус окружности:   | <b>30</b> | <b>Enter</b> |

**3-мисол.** [Сторона] опсиясидан фойдаланиб, томонларидан бири [12] кесмага тенг бўлган мунтазам бешбурчак (3 – расм) чизилсин. [12] кесманинг узунлиги 35мм га тенг.


Ушбу мисол қуйидаги дастур асосида чизилади.





**\_LINE-Отрезок-Кесма** буйруғи LM ёрдамида юкланади. Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида кесманинг 1-нуқтаси LM билан белгиланади ва кесманинг 2-нуқтаси клавиатура орқали **@35,0** териб киритилади ҳамда, Enter тугма икки марта босилади.

[Сторона] **C** opsiyasi



3 – расм.



**\_POLYGON-MN-UGOL-**  
**Кўпбурчак** буйруғи LM ёрдамида юкланади.

1. Клавиатура орқали кўпбурчакнинг томонлар сони **5** рақам териб киритилади ва Enter тугма босилади.

2. Клавиатура орқали [Сторона] opsiyasining **C** ҳарфи териб киритилади ва Enter тугма босилади.

3. Кесманинг 1- ва 2- нуқталари LM ёрдамида кетма-кет белгилаб чиқилади.

AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар қаторида** қуйидагича ёзиб боради.

Команда: <b>_LINE</b> Первая точка:	<b>LM</b>
Следующая точка или [Отменить]: <b>@35,0</b>	<b>Enter</b>
Следующая точка или [Отменить]:	<b>Enter</b>
1. Команда: <b>_полюгон</b> Число сторон <4>: <b>5</b>	<b>Enter</b>
2. Укажите центр многоугольника или [Сторона]: <b>C</b>	<b>Enter</b>
3. Первая конечная точка стороны: Вторая конечная точка стороны:	<b>LM</b>



**\_RECTANG – ПРЯМОУГОЛЬНИК - ТЎҒРИ ТЎРТБУРЧАК**  
**БУЙРУҒИ**

Ушбу буйруқдан фойдаланиб, квадрат ва тўғри тўртбурчак фигуралар чизилади. Уларнинг бурчакларида берилган ўлчамларда фаска (рах) ва туташма бажариш мумкин.[1,2,3,4]

Ушбу буйруқ юклангандан сўнг, қуйидаги кўринишгаэга бўлади. [3]

### **Команда: Rectang**

#### **Первый угол или [Фаска/Уровень/Сопряжение/Высота/Ширина]:**

Буйруқ: Тўғри тўртбурчак

Биринчи бурчакни ёки ушбу [Фаска/Сатҳ /Туташма/Баландлик/Эни] опсиялардан бирини киритинг деб таклиф қилади.

Квадрат қавс ичида жойлашган опсиялар ,қуйидаги функцияларни бажаради:

- **[Фаска]**– Фаска функцияси киритилганда, тўғри тўртбурчакнинг барча бурчакларида берилган ўлчамларда фаска (рах) бажаради;
- **[Уровень]** – Сатҳ функцияси киритилганда тўғри тўртбурчак ХҲ текисликдан киритилган масофа узоқликда жойлашади. Уни 3D ўлчамли фазода кузатиш мумкин бўлади;
- **[Сопряжение]** – Туташма функцияси киритилганда тўғри тўртбурчакнинг барча бурчакларида берилган ўлчамдаги радиусда туташма бажаради;
- **[Высота]**–Баландлик функцияси киритилганда, тўғри тўртбурчакнинг 3 координата ўлчам баландлиги масалан, 30мм киритилади. Яъни, параллелолипид ясайди ва уни 3D ўлчамли фазода кузатиш мумкин бўлади;
- **[Ширина]**– Эни функцияси киритилганда, тўғри тўртбурчакнинг контур чизигининг қалинлиги масалан, 5мм ўлчам киритилади.

**1 – мисол.** 1 – расмда берилган ўлчамдаги тўғри тўртбурчак чизилсин.

Ушбу тўғри тўртбурчак қуйидаги дастур асосида чизилади.




**Rectang** – **Прямоугольник** – Тўғри тўртбурчақ буйруғи LM

ёрдамида киритилади.

Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида тўғри тўртбурчақнинг **A** нуқтаси LM ёрдамида киритилади.


Клавиатура орқали тўғри тўртбурчақнинг **B** нуқтасининг координаталари @**120,80** териб киритилади ва Enter тугма босилади.

**2 – мисол.** 1 – расмда берилган ўлчамдаги тўғри тўртбурчақ, **[Площадь]** сўнг, **[Длина]** опсияларидан фойдаланиб чизилсин.




1 – расм. Тўғри тўртбурчақ чизиш.

Ушбу тўғри тўртбурчақ куйидаги дастур асосида чизилади.


1.  **Rectang** – **Прямоугольник** – Тўғри тўртбурчақ буйруғи LM ёрдамида киритилади.
2. Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида тўғри тўртбурчақнинг **A** нуқтаси LM ёрдамида киритилади.
3. Клавиатура орқали **[Площадь]** опсиясининг **P** ҳарфи териб киритилади ва Enter тугма босилади.
4. Агар тўғри тўртбурчақнинг юзаси 2400мм<sup>2</sup> га тенг бўлса, клавиатура орқали **2400** рақамлар териб киритилади ва Enter тугма босилади.
5. Клавиатура орқали **[Длина]** опсиясининг **D** ҳарфи териб киритилади ва Enter тугма босилади.
6. Клавиатура орқали **40** рақам киритилади ва Enter тугма босилади.

**3 – мисол.** 2а – расмда берилган ўлчамдаги тўғри тўртбурчақ, **[Фаска]** опсиясидан фойдаланиб чизилсин.




2 – расм. [Фаска] ва [Сопряжение] опсияларидан фойдаланиб тўғри тўртбурчак чизиш.

Ушбу тўғри тўртбурчак куйидаги дастур асосида чизилади.

1.  **Rectang** – **Прямоугольник**-Тўғри тўртбурчакбуйруғи LM ёрдамида киритилади.
2. Клавиатура орқали **[Уровень]** опсиясининг **U** ҳарфи териб киритилади ва Enter тугма босилади.
3. Клавиатура орқали **0** рақам териб киритилади ва Enter тугма босилади.
4. Клавиатура орқали **[Фаска]** опсиясининг **F** ҳарфи териб киритилади ва Enter тугма босилади.
5. Клавиатура орқали биринчи фаска узунлиги **10** рақам териб киритилади ва Enter тугма босилади.
6. Клавиатура орқали иккинчи фаска узунлиги **10** рақам териб киритилади ва Enter тугма босилади.
7. Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида тўғри тўртбурчакнинг биринчи бурчак нуқтаси LM билан киритилади
8. Клавиатура орқали тўғри тўртбурчакнинг иккинчи бурчак нуқтасининг координаталари **@60,40** териб киритилади ва Enter тугма босилади.

**4 – мисол.** 2б – расмда берилган ўлчамдаги тўғри тўртбурчак, **[Фаска]** опсиясидан фойдаланиб чизилсин.


Ушбу тўғри тўртбурчак куйидаги дастур асосида чизилади.

1.  **Rectang** – **Прямоугольник**-Тўғри тўртбурчакбуйруғи LM ёрдамида киритилади.
2. Клавиатура орқали **[Фаска]** опсиясининг **F** ҳарфи териб киритилади ва Enter тугма босилади.
3. Клавиатура орқали биринчи фаска узунлиги **12** рақам териб киритилади ва Enter тугма босилади.

4. Клавиатура орқали иккинчи фаска узунлиги **10** рақам териб киритилади ва Enter тугма босилади.
5. Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида тўғри тўртбурчақнинг биринчи бурчақ нуқтаси LM билан киритилади
6. Клавиатура орқали тўғри тўртбурчақнинг иккинчи бурчақ нуқтасининг координаталари **@60,40** териб киритилади ва Enter тугма босилади.

**5 – мисол.** 2с – расмда берилган ўлчамдаги тўғри тўртбурчақ, **[Сопряжение]** опсиясидан фойдаланиб чизилсин.

Ушбу тўғри тўртбурчақ қуйидаги дастур асосида чизилади.

1.  **Rectang** – **Прямоугольник**-Тўғри тўртбурчақбуйруғи LM ёрдамида киритилади.
2. Клавиатура орқали **[Сопряжение]** опсиясининг **C** ҳарфи териб киритилади ва Enter тугма босилади.
3. Клавиатура орқали туташманинг радиуси **12** рақам териб киритилади ва Enter тугма босилади.
4. Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида тўғри тўртбурчақнинг биринчи бурчақ нуқтаси LM билан киритилади
5. Клавиатура орқали тўғри тўртбурчақнинг иккинчи бурчақ нуқтасининг координаталари **@60,40** териб киритилади ва Enter тугма босилади. [7]


**Эслатма.** Кейинги мисолларда тўғри тўртбурчақларнинг бурчақларида R12 радиусли туташма чизмаслиги учун, яна **[Сопряжение]** опсиясини киритиб сўнг, **0** рақам киритиш лозим бўлади.

## 2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

### Мавзу. Нуқта шаклини ўрнатиш, нуқта ва spline буйруқлари.

**Ишдан мақсад:** AutoCAD дастури ёрдамида Нуқта шаклини ўрнатиш, нуқта ва spline буйруқларидан фойдаланиб фигуралар чизиш.


#### Масаланинг қўйилиши:

1. Нуқта шаклини ўрнатиш
2. Point – Точка – Нуқта буйруғи ёрдамида фигура чизиш
3. Spline – сплайн – сплайн буйруғи ёрдамида фигура чизиш 


#### Ишни бажариш тартиби

Нуқта буйруғидан фойдаланиб чизма майдонида бир неча нуқталарни қўйиб чиқсак улар экраннинг энг кичик элементи (Пиксел) сифатида тасвирланади. Бундай ҳолат фойдаланувчига қийинчилик туғдиради. AutoCad тизимида фойдаланувчига қулайлик яратиш мақсадида нуқтанинг бир неча шакллари яратилган бўлиб, улар учун алоҳида мулоқатлар ойнаси мавжуд. Ушбу мулоқатлар ойнасини очиш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим бўлади.

Менюлар қаторидан: 1- **Формат** бўлими **LM** ёрдамида юклананди; 2- Очилган меню рўйхатидан **Отображение точек...** банди **LM** ёрдамида белгиланади (4.1-чизма). Ундан сўнг, **Отображение точек** мулоқатлар ойнаси очилади (4.2-чизма). Ушбу мулоқатлар ойнаси Бизга 20 хил нуқта шакллари таклиф этади. У ердан фақат битта нуқта шаклини **LM** ёрдамида танлаб оламиз ва **OK** тугмани **LM** билан босамиз. Ушбу нуқтанинг чизма майдонидаги ўлчами 5% га тенг. Бу ўлчам фоизини ушбу ойнада ўзгартирса бўлади.



4.1-чизма



4.2-чизма



**Point – Точка – Нуқта** буйруғи.

Айрим ҳолларда чизмаларни чизиш жараёнида объекнинг нуқталарини чизишга тўғри келади. Бундай ҳолларда аввал нуқта шаклини ўрнатиб, кейин **Point** буйруғни юклаш керак.

**1-мисол.** Ўлчамлари билан берилган **A, B, C, D** нуқталар чизилсин. Ушбу нуқталар айлана марказларини ташкил этади (4.3-чизмага қаранг!).

Ушбу **A, B, C, D** нуқталар қуйидаги дастур асосида чизилади.

**Point – Точка – Нуқта** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

**A** нуқта чизма майдонинг ихтиёрий қисмида **LM** ёрдамида киритилади.

**B** нуқтани **A** нуқтага нисбатан киритамиз. Бунинг учун **B** нуқтанинг ўлчамлари клавиатура орқали **@50,40** рақамларини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

**C** нуқтани **B** нуқтага нисбатан киритамиз. Бунинг учун **C** нуқтанинг ўлчамлари клавиатура орқали **@60,-80** рақамларини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.


**D** нуқтани **C** нуқтага нисбатан киритамиз. Бунинг учун **D** нуқтанинг

- ўлчамлари клавиатура орқали **@35,100** рақамларини териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

**Esc** тугма босилади.

AutoCad ушбу дастурни **Буйруқлар каторида** қуйидагича ёзиб боради.

- |  |              |
|--|--------------|
| 1. Команда: <b>_Point</b>                            |              |
| Текущие режимы точек: <b>PDMODE=34 PDSIZE=0.0000</b> |              |
| Укажите точку:                                       | <b>LM</b>    |
| 2. Укажите точку: <b>@50,40</b>                      | <b>Enter</b> |
| 3. Укажите точку: <b>@60,-80</b>                     | <b>Enter</b> |
| 4. Укажите точку: <b>@35,100</b>                     | <b>Enter</b> |
| 5. Укажите точку: <b>*Прервано*</b>                  | <b>Esc</b>   |



4.3-чизма


### **\_SPLINE – СПЛАЙН – СПЛАЙН БУЙРУҒИ**

Сплайн буйруғидан фойдаланиб, ХҲ текислигида жойлашган бир неча нўқталар орқали ўтувчи очик ёки ёпиқ текис эгри чизиқ чизилади. Геометрик чизмачилиқдан маълумки турли лекало эгри чизиқлар туркумига кирувчи парабола, гипербола, синусоида, архимед спирали ва шу каби бошқа текис эгри чизиқларнинг аввал нўқталари аниқланиб, сўнг, улар орқали эгри чизиқлар чизилади. AutoCad тизимида мазкур эгри чизиқларни чизиш учун уни ташкил этувчи нўқталарининг ХҲ текисликдаги ўрни геометрик яшаш усулларида фойдаланиб аниқланади.




Ундан сўнг, ушбу нуқталар орқали Сплайн буйруғидан фойдаланиб текис эгри чизиклар чизилади. Мазкур текис эгри чизиклар машинасозлик деталларининг формаларини лойihalаштиришда кўпдан-кўп ҳолларда учраб туради.

1 – мисол. 1 –а,б расмда берилган O, A, B, C, D, E, F, G, K ва L нуқталар орқали ўтувчи очик текис эгри чизик чизилсин. Фараз қилайлик берилган нуқталарнинг XY текисликдаги ўрни геометрик яшаш йўли билан аниқланган.



1 – расм. Нуқта ва Сплайн буйруқларидан фойдаланиб текис эгри чизик чизиш.



2 – расм. **Замкнути** ва **Допуск** опсияларидан фойдаланиб чизилган текис эгри чизиклар.

Мисол куйидаги дастур асосида чизилади.

Клавиатура орқали нуқтанинг шакли **PDMODE** териб киритилади ва Enter тугма босилади. Клавиатура орқали **35** рақам киритилади ва Enter тугма босилади. Ушбу ҳолда 1 – а расмда берилган нуқтанинг шакли ўрнатилади.

Клавиатура орқали нуктанинг ўлчами **ПДСИЗЕ** териб киритилади ва Enter тугма босилади. Клавиатура орқали **2** рақам киритилади ва Enter тугма босилади. Ушбу ҳолда нуқта шаклининг ўлчами 2мм га тенг бўлади.



**Point** – **Точка**– Нуқта буйруғи LM ёрдамида киритилади.

Клавиатура орқали қуйидаги нукталарнинг координаталари кетма-кет териб киритилади.

**0,0** Enter. **5,15** Enter. **10,30** Enter. **15,45** Enter. **25,60** Enter. **35,45** Enter. **40,30** Enter. **45,15** Enter. **55,0** Enter. **65,15** Enter. **70,30** Enter. Esc тугма босилади.



**Spline** – Сплайн – Сплайн буйруғи LM ёрдамида киритилади.

1-а, расмда берилган О нуқтадан бошлаб, барча нукталар кетма – кет туташтирилиб чиқилади сўнг, курсорни 1-б, расмда берилган жойга қўйиб уч марта Enter тугма босилади.

Сплайн буйруғининг опсиялари қуйидаги функцияларни бажаради:

- **Замкну́ть** – Ёпиқ опсияси киритилганда, сўнги киритилган нуктани биринчи нуқта билан туташтириб (2 – а расм) ёпиқ текис эгри чизик чизади. Ушбу ҳолда курсор ёрдамида вектор йўналиш керак бўлади;
- **Допуск** – Ўтиш опсияси киритилганда, берилган нуқта ва эгри чизикнинг нуқтаси орасидаги масофа узунлиги рақам билан киритилади. 2 – б чизмада масофа 2мм га тенг қилиб киритилган;


**Объект** – Объект опсияси киритилганда 2D ёки 3D полилинияни текис эгри чизик ҳолатга ўтказилади.

### 3 – АМАЛИЙ МАШГ‘УЛОТ

#### Мавзу: Айлана ва узиш буйруқлари.

**Ишдан мақсад:** AutoCAD дастури ёрдамида айлана ва узиш буйруқларидан фойдаланиб фигуралар чизиш.

#### Масаланинг қўйилиши:

1. Circle -Круг -Айлана буйруғи ёрдамида фигура чизиш. 
2. Берилган радиусли айлана чизиш
3. Икки нуқталар орқали ўтувчи айлана чизиш
4. Учта нуқталар орқали ўтувчи айлана чизиш
5. Берилган радиусли айланани икки геометрик фигураларга уринма (туташма) ҳолатда чизиш

#### Ишни бажариш тартиби

**\_Circle -Круг** -Айлана буйруғи ёрдамида фигура чизиш. 

Айлана буйруқ юклангандан сўнг, у қуйидаги кўринишга эга бўлади.

Команда: **\_circle** Центр круга или [3Т/2Т/ККР (кас кас радиус)]:

Бу ердаги квадрат қавс ичига жойлашган «[3Т/2Т/ККР (кас кас радиус)]» буйруқнинг опсиялари дейлади. Ушбу буйруқ қуйидагича ўқилади.

Айлана марказини киритинг ёки ушбу **3Т**, **2Т**, **ККР** опсияларидан бирини киритинг деган маънони англатади.

Опсия – дейилганда буйруқнинг таркибига кирувчи бирор-бир функция тушинилади. Ушбу функциялар ҳар доим квадрат қавс ичида берилади. **3Т**, **2Т**, **ККР** – опсияларининг ҳар бири алоҳида функция бажаради.

- **3Т** (3 точки) опсияси – берилган учта нуқталар орқали ўтувчи айлана чизади.
- **2Т** (2 точки) опсияси – берилган икки нуқталар орқали ўтувчи айлана чизади.
- **ККР** ( касательная касательная радиус) опсияси – берилган икки геометрик фигураларга уринма бўлган ва берилган радиусда айлана чизади.


**Эслатма:** **3Т, 2Т, ККР** харфлари **RU** **Русский** алифбосида териб киритилиши керак.

**Айлана буйруғидан фойдаланиб қуйидагилар чизилади.**

1. Берилган радиусдаги айлана чизади (4.4-чизма).
2. Берилган диаметрли айлана чизади (4.4-чизма).
3. Учта нуқталар орқали ўтувчи айлана чизади (4.5 - чизма).
4. Икки нуқталар орқали ўтувчи айлана чизади (4.6-чизма).
5. Берилган радиусли айланани икки геометрик фигураларга уринма (туташма) ҳолатда чизади (4.7... 4.13 – чизмалар).
6. Берилган учта геометрик фигураларга уринма (туташма) бўлган айлана чизади (4.14...4.17 – чизмалар).

**1. Берилган радиусли айлана чизиш.**

**3.1.1-мисол.** Радиуси R30га тенг бўлган айлана чизилсин. (4.4-чизма).



4.4-чизма.

Ушбу мисол қуйидаги дастур асосида чизилади.



**Circle** - **Круг** - **Айлана** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

Айлананинг маркази, чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **LM** билан киритилади.

Клавиатура орқали айлананинг радиуси **30** териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

## 2. Берилган диаметрли айлана чизиш ( [Diameter] опсияси).

3.2.1-мисол. Диаметри  $\varnothing 70$ га тенг бўлган айлана чизилсин. (4.4-чизма).

Ушбу мисол куйидаги дастур асосида чизилади.



**Circle -Круг** -Айлана буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

Айлананинг маркази, чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **LM** билан киритилади.


Клавиатура орқали [Diameter] опсиясининг **D** ҳарфи териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

Клавиатура орқали айлананинг диаметри **70** териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

## 3. Учта нуқталар орқали ўтувчи айлана чизиш ( 3T опсияси).

3.3.1-мисол. Берилган А,В,С нуқталар орқали ўтувчи айлана чизилсин (4.5-чизма).

➔ **Эслатма:** Нуқта шакли ўрнатилган болиши шарт!



4.5-чизма.

Ушбу мисол куйидаги дастур асосида чизилади.

1.



**Point-Точка-Нуқта** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

4.5-чизмада кўрсатилгандек **A, B, C** нуқталарни кетма-кет **LM** ёрдамида чизма майдонинг ихтиёрий қисмига қўйиб чиқилади.

**Esc** тугма босилади.



**Circle** -**Круг** -**Айлана** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

Клавиатура орқали **3T** териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

**A** , **b** ва **C** нуқталарни кетма-кет **LM** ёрдамида белгилаб чиқилади. Натижада **A, B, C** нуқталар орқали ўтувчи айлана чизилади.

**3.3.2-мисол.** Ихтиёрий **DEF** учбурчакнинг учлари орқали ўтувчи айлана чизилсин(4.5-чизма).

Ушбу мисол куйидаги дастур асосида чизилади.



**Line**-**Отрезок**-**Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

(Ихтиёрий ўлчамдаги **DEF** учбурчакни чизиб оламиз.)

Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **D** нуқта **LM** билан киритилади. (4.5-чизма).

Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **E** нуқта **LM** билан киритилади.

Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **F** нуқта **LM** билан киритилади.

Клавиатура орқали [**Замкнуь**] опсиясининг **3** харфи териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.



**Circle** -**Круг** -**Айлана** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.


Клавиатура орқали **3T** териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

Учбурчакнинг **D** , **E** ва **F** нуқталарни кетма-кет **LM** ёрдамида белгилаб чиқилади. Натижада учбурчак **DEF** нинг учлари орқали ўтувчи айлана чизилади. [3]

#### 4. Икки нуқталар орқали ўтувчи айлана чизиш ( **2T** опсияси).

**3.4.1-мисол.** **A** ва **B** нуқталар орқали ўтувчи айлана чизилсин. (4.6-чизма).

➡ **Эслатма:** Нуқта шакли ўрнатилган болиши шарт!



4.6-чизма.

Ушбу мисол куйидаги дастур асосида чизилади.



**Point-Точка-Нуқта** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

4.6-чизмада кўрсатилгандек **A** ва **B** нуқталарни кетма-кет **LM** ёрдамида чизма майдонинг ихтиёрий қисмига қўйиб чиқилади.

**Esc** тугма босилади.



**Circle -Круг -Айлана** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

Клавиатура орқали **2T** териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

**A** ва **B** нуқталарни кетма-кет **LM** ёрдамида белгилаб чиқилади.

Натижада **A** ва **B** нуқталар орқали ўтувчи айлана чизилади.

**3.4.2-мисол.** Ўлчами билан берилган [CD] кесманинг учлари орқали ўтувчи айлана чизилсин. (4.6-чизма).

Ушбу мисол куйидаги дастур асосида чизилади.



**Line-Отрезок-Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **C** нуқта **LM** билан киритилади. (4.6-чизма).

Клавиатура орқали **D** нуқтанинг координаталари **@0,40** териб

- киритилади ва икки марта **Enter** тугма босилади.



**Circle** -Круг -Айлана буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.


- Клавиатура орқали **2T** териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

**C** ва **D** нуқталарни кетма-кет **LM** ёрдамида белгилаб чиқилади.

- Натижада **C** ва **D** нуқталар орқали ўтувчи айлана чизилади.

## 5. Берилган радиусли айланани икки геометрик фигураларга уринма (туташма) ҳолатда чизиш ( **ККР** опцияси ).

3.5.1-мисол. Берилган **ABC** тўғри бурчакка уринма бўлган **R20** радиусли айлана чизилсин (4.7-чизма).



4.7-чизма.

Ушбу мисол куйидаги дастур асосида чизилади.



**Line** — **Отрезок** — **Кесма** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

- Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **A** нуқта **LM** ёрдамида киритилади (4.7-чизма).

Клавиатура орқали **B** нуқтанинг координаталари **@50<180** териб

- киринилади ва **Enter** тугма босилади.

Клавиатура орқали **C** нуқтанинг координаталари **@50<90** териб

- киринилади ва **Enter** тугма босилади.

**Esc** тугама босилади.





**Circle -Круг** -Айлана буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

Клавиатура орқали **KKP** ҳарфлар териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

[AB] кесмага уринма бўлган айлананинг **1-уриниш нуқтаси LM** ёрдамида белгиланади.

[BC] кесмага уринма бўлган айлананинг **2-уриниш нуқтаси LM** ёрдамида белгиланади.

Клавиатура орқали айлананинг радиуси **20** рақами териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар каторида** қуйидагича ёзиб боради.

1. Команда: <b>_Line</b> Первая точка:	<b>LM</b>
2. Следующая точка или [Отменить]: <b>@50&lt;180</b>	<b>Enter</b>
3. Следующая точка или [Отменить]: <b>@50&lt;90</b>	<b>Enter</b>
4. Следующая точка или [Замкнуть/Отменить]: <b>*Прервано*</b>	<b>Esc</b>
5. Команда: <b>_Circle</b> Центр круга или [3Т/2Т/ККР (кас кас радиус)]: <b>KKP Enter</b>	
6. Укажите точку на объекте, задающую первую касательную: <b>(1-уриниш нуқтаси)</b>	<b>LM</b>
7. Укажите точку на объекте, задающую вторую касательную: <b>(2-уриниш нуқтаси)</b>	<b>LM</b>
8. Радиус круга <b>&lt;10.0000&gt;: 20</b>	<b>Enter</b>

3.5.2-мисол. Берилган ABC ўткир бурчакка уринма бўлган R20 радиусли айлана чизилсин (4.8-чизма).


Ушбу мисол қуйидаги дастур асосида чизилади.



**Line — Отрезок** — Кесма буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

Чизма майдонининг ихтиёрий қисмида **A** нукта **LM** ёрдамида киритилади (4.8-чизма).

Клавиатура орқали **B** нуктанинг координаталари **@50<180** териб кирилади ва **Enter** тугма босилади.



4.8-чизма.

Клавиатура орқали **C** нуктанинг координаталари **@60<60** териб кирилади ва **Enter** тугма босилади.

**Esc** тугама босилади.



**Circle** - **Круг** - **Айлана** буйруғи **LM** ёрдамида юкланади.

Клавиатура орқали **KKP** ҳарфлар териб киритилади ва **Enter** тугма босилади

[AB] кесмага уринма бўлган айлананинг **1-уриниш нуктаси** **LM** ёрдамида белгиланади.


[BC] кесмага уринма бўлган айлананинг **2-уриниш нуктаси** **LM** ёрдамида белгиланади.

Клавиатура орқали айлананинг радиуси **20** рақами териб киритилади ва **Enter** тугма босилади.

AutoCAD ушбу дастурни **Буйруқлар каторида** қуйидагича ёзиб боради.

- |  |              |
